Ушбу сонда:
2 АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТА ОЛМАДИ...
3 ҚАРЗНИ ТЎЛАНГУ ТИНЧГИНА ЯШАНГ
4 ЭЛДАН ОЛИБ, ЭЛГА БЕРАМАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 3 июн, жума № 88 (1929)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

# 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида:***

1. 2005/2006 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 51175, шу жумладан 19975 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 6200, шу жумладан 1500 давлат грантлари ва 4700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул квотаси 5065, шу жумладан 1265 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага мувофиқ тақсимлансин.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича қабул квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида умумий қабул квотаси 60 кишидан иборат икки йиллик махсус Олий журналистика курсларини очсин.

Белгилансинки:

Олий журналистика курсларига бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини кўрсатган мутахассислар танлов асосида қабул қилинади;

Олий журналистика курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Олий журналистика курслари битирувчиларига ўқиш якунида «журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат комиссиясига (Р.С.Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш амалиётини жорий этсин;

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005/2006 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квотасини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 9-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги 88-сон қарори 2-бандининг учинчи ва тўртинчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 июн

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

# Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

***Ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:***

1. Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб бошқа барча олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилсин ва ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4 курсларнинг талабалари, 1-иловага мувофиқ, белгиланган тартибда таълимни давом эттириш учун Тошкент Ахборот технологиялари университетига ва унинг минтақавий филиалларига ўтказилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг ходимлар чекланган сони 390 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 72 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ; Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4-ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент Ахборот технологиялари университети филиалларини очиш, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун 6-иловага мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

**(Давоми 2-бетда)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА БРИФИНГ

***Шу йилнинг 2 июнида Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Андижон шаҳридаги воқеалар юзасидан хорижий журналистлар ва дипломатик корпус вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев қуйидагиларни маълум қилди:***

**Биринчи**. Андижон шаҳрида 13 май воқеалари содир бўлиши биланоқ уларни бир неча маротаба, қўпол ва мунтазам равишда бузиб кўрсатишга уринишлар бўлди.

Жумладан, ҳатто шундай овозалар ҳам тарқатилдики, гўё Ўзбекистон Республикаси Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси вакилларини киритмаётган ёки Интернет тармоғига уланишни чеклаб қўйган эмиш.

Ўзбекистон Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси вакиллари билан ҳамиша мунтазам ва изчил алоқада бўлиб келган. Қизил Хоч вакиллари ўзларини қизиқтирган объектларга бориш учун тегишли тартибда мурожаат қилган ҳолларда уларга нисбатан ҳеч қандай чекловлар бўлмаган.

Интернет масаласида шуни таъкидлаш кераккки, бу ҳақдаги уйдирмалар мутлақо ақлга сиғмайди. Бугун Интернет тармоғидан фойдаланишни чеклашнинг иложи йўқ. Замонавий ахборот технологиялари асрида Интернет тармоғига бирон-бир йўсинда тўсиқ қўйиш ҳақида гапиришнинг ўзи чаласаводликдан бошқа нарса эмас.

**Иккинчи**. Андижон воқеалари бўйича «халқаро мустақил комиссия» тузиш хусусида.

Бу борада биз ўз позициямизни аниқ баён этганмиз ва бундан сиз яхши хабардорсиз.

Сизларга шуни маълум қилмоқчиманки, ўжарлик билан қўйилаётган бундай талабларга жавобан Ўзбекистон томони, ЕХҲТ минтақада барқарорлик таъминланишидан манфаатдор бўлган ягона ташкилот эмас, деб ҳисоблайди. Агар шундай зарурат бўлса, вазиятни холисона баҳолаш ва воқеалар ривожини кузатиш учун Ўзбекистон Тошкентда аккредитация қилинган хорижий давлатлар, жумладан АҚШ, Франция, Россия ва Хитой, шунингдек, минтақамизга бевосита яқин мамлакатлар элчихоналари вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузишни таклиф этди. Бу гуруҳ олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари мониторингини амалга оширади.

Бизнинг бундай таклифимизнинг моҳияти нимада?

**Биринчидан**, бундай мониторингни амалга ошириш зарурати туғилса, назорат холис бўлиши керак.

**Иккинчидан**, унда нафақат ЕХҲТга аъзо мамлакатлар, балки ушбу минтақада барқарорликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланишидан бевосита манфаатдор давлатлар ҳам иштирок этиши зарур. Гап, аввало, энг яқин қўшниларимиз, минтақамизга бевосита яқин жойлашган мамлакатлар ҳақида бормоқда.

Шунингдек, Э.Ғаниев вазиятни холисона баҳолаётган ва шу орқали минтақадаги аҳволни барқарорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётган мамлакатлар, оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларига миннатдорлик билдирди.

Жумладан, у Россия ташқи ишлар вазири С.Лавровнинг Андижон воқеалари хусусида Владивостокда берган баёнотига эътиборни қаратди. С.Лавров: «Бизда бу ишга диний экстремистлар, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» тузилмалари ва айрим чечен террорчиларининг даҳлдорлиги ҳақида маълумот бор», деб таъкидлади.

Бу баёнот кўп нарсадан далолат беради...

**(ЎзА)**



Тошлоқ тумани пиллакорлари жорий йил 2820 қути ипак қурти парваришлашди. Давлатга ҳар қути ипак қурт уруғидан 46 килограмдан жами 126 тонна юқори сифатли «кумуш тола» топшириш режалаштирилган. Бу борада тўртта ширкат, 185 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланди.

Парвариш ишлари намунали ташкил этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Ҳозиргача 520 қути ҳисобига салкам 28 тонна пилла олинди. Уруғлик учун олинаётган пилланинг бир қутиси ҳисобига 62 килограмдан «кумуш тола» етиштирилди.

Тумандаги Арабмозор ва Ахшак пилла қабул қилиш пунктларида мавсумга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилган. Қобулжон Абдужабборов, Неъматжон Мамадалиев, Шермирза Ғофуров, Рўзибой Йигиталиев, Аъзамжон Нишонов ҳосилни тез ва сифатли қабул қилиб олмоқдалар.

**Суратда: пиллакорлар Раҳима Сулаймонова ва Эргашой Ҳожиматова.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

# ОСУДА КУНЛАРДАН ҚЎЙМАСИН

***Андижонликлар эзгуликка интилиб яшовчи, боғ яратишни, экинлардан мўл ҳосил олиб, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин этишга жазм қилган миришкорлардир. Улар ўз садоқатларини амалий фаолият орқали намоён этиб келмоқдалар.***

– Минг афсуски, 13 майдаги нохуш воқеалар бошимизни эгиб қўйди, – дейди Жалақудуқ туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Майрамхон Назарова. – Бесабаб қўлга тикон кирмайди. Кўргуликларнинг барига ўзимиз сабабчимиз. Йиғинларда кўп бора такрорлайман, андишанинг чегараси бўлиши керак. Агар андиша деб ёмонни яширсак, кимларнингдир фарзанди шубҳали кимсалар билан ўралашиб юрганини сезсагу, ўзимизни билмаганга олсак, бундай андишанинг уйи куйсин.

Опанинг сўзларига мисоллар кўп. Масалан, Дилшод Муйдинов ва Абдуфатто Узоқов тадбиркорлик қилиб, кам бўлишмаётганди. Рўзғорлари бут, ўйлаган режалари бирин-кетин амалга ошаётганди. Бироқ, одам оласи ичида, деганларидек, уларнинг тили билан дили бошқа экан. Шу икки тадбиркор Андижондаги кўнгилсиз воқеалар иштирокчиси бўлиб чиқди. Охир-оқибат қишлоққа уларнинг мурдаси келди...

– Бундай кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олиш мумкин эди, – дея фикрини давом эттиради Майрамхон опа. – Афсуски, лоқайдлик, хотиржамликка берилиш, ҳаттоки, жиноят кўчасига кираётган ёшларни била туриб, юзимизни четга буриш каби иллатлардан қутулишимиз чамаси осон кечмаяпти. Андижонликларнинг қалби ларзага келди. Лаънати террорчиларга бўлган нафратимиз минг чандон ошди.

Маҳалла ҳудудида 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Яқинда Қучқор Турдиев номли мактабда йиғин ўтказилди. Унда шум ниятлиларга қўшилиб, ёш умрини хазон қилган Дилшод Муйдиновнинг акаси Шукриддин Муйдинов бош эгиб ўртага чиқди. У кўп фарзандни вояга еткизган онасининг қалб нидосини маҳалладошларига етказди:

– Маҳалла-куй олдида уятлимиз. Нобакор фарзанд кўксимизни доғлади. Унга берган оқ сутимга рози эмасман.

Кўчалар бўйлаб ташвиқот гуруҳи фаолият юритмоқда. Табаррук инсонлар, зиёлилар, ҳуқуқшунослар, ички ишлар ходимлари соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, гиёҳвандликка қарши муросасиз курашиш, огоҳликни бир сония бўлада қўлдан бермасликка барчани даъват этишмоқда.

*Муносабат*

Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, айни пайтда ўзаро талабчанлик муҳити мустаҳкам қарор топган жойда осудалик бўлади. Улуғбек Раҳмонов, Нурмуҳаммад Мирзакаримов, Комилжон Акбаров каби ташаббускор кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли қатор кичик корхоналар, тегирмонлар гуриллаб ишламоқда. Сўнгги кунларда 30 га яқин ўғил-қиз янги ишхоналардан қўним топдилар.

Маҳалла ўрамида «Бунёд-М» ҳиссадорлик жамияти, қишлоқ врачлик пункти, машина-трактор парки фаолият юритмоқда. Куни кеча Швейцариядан хушхабар олинди. Олий сифат белгиси халқаро фонди томонидан ҳиссадорлар жаҳон бозоридаги харидоргир маҳсулотлари учун олий сифат нишонига сазовор бўлишипти. Ҳамманинг дилида ва тилида битта гап: осуда кунлардан қўймасин!

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**К.ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

*Масала кўндаланг қўйилади*

# МУАММО

## уни четдан биров келиб ҳал этиб бермайди

***Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида мамлакатимиздаги пиллакашлик ва шойи тўқиш корхоналарида қувватлардан фойдаланиш ўртача 55 фоиздан ошмаётганлиги, технологик асбоб-ускуналарнинг кўпчилиги эскириб, уларни янгилаш учун хорижий инвестициялар амалда жорий этилмаётгани, маҳсулот экспорти эса пилланинг бир қисмини ва ипак ипни чет элга етказиб бериш билан чекланиб қолинаётганлиги танқид қилинганди. Бунинг туб сабабларини бир корхона мисолида кўриб чиқайлик.***

Беш йил муқаддам Шаҳрисабзда пиллакашлик фабрикаси базасида янги корхонага асос солинди. "Кумуш" номи билан аталадиган Ўзбек - Британия қўшма корхонаси Қашқадарё ҳамда қўшни вилоятларда етиштирилган 1100 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш қувватига эга эди. Дастлаб "Кумуш"да иш ёмон кетмади. Японияда тайёрланган замонавий пилла қуритиш ва ипак ўраш дастгоҳлари билан жиҳозланган ҳиссадорлик жамиятида 1 йилда ўртача ҳисобда 250 тонна табиий ипак ишлаб чиқариб, хорижга жўнатиш мўлжалланганди. Шунингдек, 10 турдаги ипак чиқиндиларини тайёрлаш ният қилинди.

Табиийки, корхонани тўла қувват билан ишлатиш, ойма-ой кўрсаткичларни яхшилаб бориш учун белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланиши зарур. Баъзи раҳбару мутахассислар, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган ходимлар ўзларини бозор шароитида ишлашга тайёрлай олмаганликлари, маҳсулот сифати ва уни сотиш жараёнларининг пухта ўйланмаганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Пировард натижада ҳозирги кунда 1300 нафарга яқин ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим ўз тақдирини боғлаган қўшма корхона тўла қувват билан ишламаётир. Рақамларга эътибор қилайлик. Агар 2000 йилда 209 тонна хом ипак ишлаб чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 144,4 тоннага тушиб қолди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 26,5 тонна маҳсулот тайёрланди, холос.

Қолоқлик сабабини жамоа раҳбарлари, баъзи мутахассислар жаҳон бозорида табиий ипак нархининг тушиб кетиши, корхонада етиштирилаётган пилла ҳажми ва сифатининг пасайиши билан изоҳлашга уринишмоқда. Ваҳоланки, ҳамма гап омилкорликда, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишда, ташаббускорликдадир. Таҳлил шуни кўрсатадики, омилкор кишилар муаммоларни ўз вақтида, жойида ҳал этадилар. Ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг ҳар томонлама харидоргир бўлиши учун алоҳида жон койитадилар. Умуман, технологик жараён бошдан оёқ бир маромда ишлаши учун барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши даркор.

"Кумуш" қўшма корхонасида эса иш бошидан пухта режалаштирилмаган. Фаолиятни бошлайверайлик, буёғи бир гап бўлар, қабилидаги гап-сўзлар пировард натижада ҳал қилиниши қийин бўлган жумбоқларга сабаб бўлди. Шу боис жорий йилнинг 19-февралидан бошлаб корхонанинг фаолияти тўхтаб, 1249 нафар ишчи мажбурий таътилга чиқарилди. Таваккалчилик асосида иш тутилаётганлигини яна шундан ҳам билса бўладики, бултур 201 киши ишга қабул қилиниб, 523 ишчи-хизматчи вазифасидан бўшатилган. Корхонанинг дебитор ва кредитор қарзлари кўпайиб бормоқда. Боз устига Фарғонадаги "Буюк ипак йўли" корхонаси 107 миллион, Тошкентдаги "Тола" фабрикаси 40 миллион, Намангандаги "Атлас" акциядорлик жамияти 32 миллион, "Силк-Рауд" қўшма корхонаси 23 миллион, "Ипак-Иппекс" республика бирлашмаси эса 13 миллион сўмлик маҳсулотнинг ҳақини шу кунгача қайтармаган.

Солиқ тўловларининг ошиб бораётганлиги ҳам тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда. Ҳаммаси бўлиб 438 миллион 947 минг сўм қарз корхона бўйнида турибди. Иқтисодий манфаатдорлик кўнгилдагидек эмаслиги, маошларни беришда узилишлар бўлаётганлиги ходимлар кайфиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Айланма маблағлар етишмаётганлиги сабабли ўтган йили "Уй-жой-жамғарма банки"дан 347 миллион сўм олинган кредит муайян вақт жонларига оро кирди. Унинг 73 миллион сўми қайтарилди. Бироқ, биламизки, кредитдан унумли фойдаланган, унга суянган ҳолда муаммоларни ҳал эта олган жамоагина кўзланган мақсадга эриша олади. Ҳали бу борада ўйлаб кўрадиган жиҳатлар кўп.

Ҳозирги кунда қўшма корхонани қолоқликдан олиб чиқиш, иқтисодиётни юксалтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хорижий шериклар, жумладан "Картхилл - инвестмент компани ЛТД" компанияси билан 100 тонна табиий ипакни экспорт қилиш режалаштириляпти. Ният амалга ошса, корхона қаддини тиклашнинг дастлабки имкониятлари яратилади. Ҳар ҳолда ишчи-хизматчилар катта умид ва иштиёқ ила меҳнат қилишмоқда. Улар қадрдон корхоналарини давр талаблари даражасида ривожлантиришга эришиш учун қўлларидан келган барча ишни қилишмоқда. Цех бошлиқлари Бахтиёр Ҳалимов, Тошпўлат Поёнов, Луқмон Файзиев, ишчилар Сабоҳат Аҳмедова, Зулайҳо Абдусаломова, Зулфина Нуралиева, Намоз Қушматов сингари фидойилар омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатишмоқда.

Касаба уюшма ташкилоти раиси Акбар Назаровнинг таъкидлашича, меҳнатни муҳофазалаш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига имконият даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача 1 миллион 420 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 30 нафар кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ишчи-хизматчилар учун бепул иссиқ овқат, ишга қатнашлари учун махсус автобус ажратилган. Равшанки, муаммоларни четдан биров келиб ҳал этиб бермайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракат, изланиш, омилкорлик туфайлигина "Кумуш" қўшма корхонасининг шуҳратини тиклаш мумкин. Ва албатта Республика "Ўзбек ипаги" уюшмаси мутасаддилари ўз йўналишларида амалий ёрдам ва мадад кўрсатсалар айни муддао бўларди.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ЖИЗЗАХДА «ИСТИҚЛОЛ» БОҒИ

Яқинда Жиззах шаҳрида «Истиқлол» боғи қурилиб, ишга туширилди. Бу маскан болаларнинг севимли дам олиш жойига айланиб улгурди. Кўнгилочар аттракцион ўйинлари жажжилар ихтиёрида. Соясалқин бу гўшада ота-оналар ўз фарзандлари билан хоҳлаган пайтларида келиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча имконият мавжуд. Шунингдек, бу ерда вилоят ва республика миқёсидаги турли кўнгилочар тадбирлар, фестиваллар ўтказилмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратларда: боғ ҳаётидан лавҳалар**





*Мерос*

# ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ МУЗЕЙИ

***Қадимий ва ҳамиша навқирон Хўқанди латифнинг кўрки бўлмиш «Жомеъ» масжиди мажмуаси XIX асрнинг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.***

Масжид 1812 йилда Қўқон хони Умархон томонидан қурдирилган бўлиб, ўзининг бетакрор кўриниши билан ажралиб туради. Кенг ва равон айвонларнинг нақшинкор устунлари Ҳиндистондан келтириб ўрнатилган. Бундай устунлар 98 тани ташкил этади. Тарихий обида шаҳарга ташриф буюрган меҳмонлар билан доимо гавжум.

Яқинда «Халқаро музейлар куни» муносабати билан ушбу масжид-мажмуада халқ амалий санъати музейи тантанали равишда очилди. Тадбирда иштирок этган меҳмонлар музейнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти, ёшлар тарбиясидаги таъсири ва келажак авлодга бугунги ноёб санъат асарларини етказиб беришдаги ролини алоҳида таъкидладилар..

Музейни ташкил этишда яқиндан ёрдам кўрсатган Германия элчихонаси ходимлари ҳам шу кун шаҳарга ташриф буюриб, музей очилиши тадбирларида иштирок этишди.

– Инсон ҳаётида музейларнинг тутган ўрни катта, – дейди элчихона ходими жаноб Марсел Этеен – Шахсни камолотга етказишда адабиёт, санъат ва мусиқа билан бирга музейлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бугун фаолият бошлаган музей келгуси авлод вакилларига халқ амалий санъати дурдоналарини кўз-кўз этиб, аждодлар ҳунаридан баҳраманд этади. Биз келажакда ҳам бу борада ўз ёрдамимизни аямаймиз.

Тадбирда шаҳарнинг «Қаро кўзим» фольклор дастаси чиқишлари чет эллик меҳмонлар ва мезбонларда байрам кайфиятини уйғотди. Шундан сўнг янги музей бўйлаб экскурсия уюштирилди. Музей илмий ходимлари Ў.Солиева, Н.Абдуллаева, Ҳ.Йўлдошевалар йиғилганларга музей кўргазмалари ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Моҳир уста, аждодлари ишини давом эттираётган тўқувчи А.Каримов ҳамда риштонлик кулол Ваҳобжон Ҳайдаровлар томонидан яратилган чиройли буюмлар халқ амалий санъати музейидан муҳим ўрин олди.

**З.БОЛТАБОЕВ**

*Фаолларимиз*

***Ғиждувонликлар Фазлиддин Ҳамидовни нафақат тажрибали врач, балки тиббиёт ходимлари манфаатларининг адолатли ҳимоячиси, ташкилотчи ва талабчан раҳбар сифатида билишади.***

***Атрофига 2800 дан ортиқ аъзони бирлаштирган йирик касаба уюшма қўмитаси раисини меҳнат жамоасида бошланғич ташкилот нуфузини кўтаришга эришган, иш берувчи билан мустаҳкам алоқа ўрнатган раҳбар эканлигини хатти-ҳаракатидан, гап-сўзлари ва муомала маданиятидан билиб олиш қийин эмас, албатта.***

# ОЛДИНДА БЎЛИШ БАХТИ

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси 13 қисмдан иборат бўлиб, ички меҳнат тартиби қоидалари, давлат дастурлари ва ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланган.

— Қурултойда касаба уюшмалари фаолиятига танқидий баҳо берилди, - дейди касабақўм раиси суҳбат жараёнида. — Ўйлаб қарасак, бизнинг ишимизда ҳам жиддий камчиликлар, ҳал этилмаган масалалар бор.

240 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт муассасалари бирлашмаси марказий касалхона, туғруқ мажмуаси, тери таносил касалликлари диспансери, битта марказий ва битта болалар маслаҳат, 4 та ҳудудий поликлиникалар, 50 та ҚВП, 2 та диспансер, 2 та соғломлаштириш маскани ва 1 та саломатлик марказини ўз тасарруфига олган. Туманда 8 та шифохона, 1 та поликлиника, 19 та стоматология хусусийлашган бўлиб, улар "Ортопед" хусусий шифохонаси касаба уюшмаси таркибига киради.

Муассасада ишловчи биринчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари 33, пенсионерлар 67 нафарни, бола парвариши учун нафақа олаётганлар 420 кишини ташкил этади. Нафақалар вақтида тарқатилмаётганлиги боис касабақўм раиси туман ҳокимлиги, молия бўлими, вилоят марказий банки раҳбариятига қатъий талабномалар қўйди. Мутасадди ташкилотлар ёрдами билан ишда сезиларли ўзгариш рўй берди.

Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва меҳнат муҳофазаси, кам таъминланган, серфарзанд оилалар, ногирон, ёрдамга муҳтож, ёлғизларни қўллаб-қувватлаш, техника хавфсизлиги ва соғломлаштириш масалалари доимий эътиборда.

Жамоа шартномасига "Сиҳат саломатлик йили" дастуридан келиб чиқиб, йигирмадан ортиқ ўзгартиришлар, қўшимча бандлар киритилди. Инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилиб, меҳнат қонунчилиги бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, айниқса, хусусий корхоналарда меҳнат қилаётганлар ҳаёти ва фаолиятини муҳофазалашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Ходимлар техника хавфсизлиги соҳасида ўқитилиб, вақти-вақти билан аттестациядан ўтказилаяпти. Тармоқда ишлаётган 2341 нафар хотин-қиз меҳнат шароитлари қатъий назоратга олинган.

Туғруқ мажмуаси, "Тез ёрдам", реабилитация, болалар, неврология, урология, гинекология, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари, рентген, лаборатория бўлимлари, ошхона, қозонхона мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қулай шароит яратилди. Зарарли шароитда ишловчи 157 ходимга сут ва сут маҳсулотлари тарқатилаяпти, улар махсус кийим-кечак, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишган.

Касабақўм ташаббуси билан бирлашмада "Тиббиёт тарихи" музейи ва кутубхона ташкил этилди. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари оммавий тус олган. А.Темиров, Ш.Бафоев, Д.Темирова, Д.Ҳасанова, Ф.Саидова, С.Аҳмедова каби спортчилар вилоят спартакиадасида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар.

Маданий-маърифий тадбирлар ходимлар бўш вақтини мазмунли ўтказилишини таъминлаяпти. 400 дан ортиқ ишчи-хизматчи мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳларни томоша қилиб қайтишди.

Шифохона бадиий ҳаваскорлар жамоаси "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик танловида фахрли ўринларни қўлга киритди. М.Султонов, Т.Халилов, О.Ҳосилова, Қ.Ҳалимова, Ғ.Сафаров, О. Бердиева, Ш.Жўраева, Л.Ғафурова сингари қўшиқ ва рақс шайдолари ўзларининг ижрочилик маҳоратлари билан ҳаммани қойил қолдиришди.

Ариза ва шикоятлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Касабақўм номига 34 та ёзма, 11 та оғзаки мурожаатнома тушди. 5 нафар ноқонуний вазифасидан бўшатилганлар ишига қайта тикланди. Мамлакатимизнинг баҳаво жойларидаги санаторий ва профилакторийларда дам олиб, соғлиғини тиклаган ўндан ортиқ ходим касабақўмдан миннатдор.

Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳ қилинаётган ва бозор иқтисодиёти тамойиллари шаклланаётган ҳозирги шароитда одамларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш касаба уюшмасидан ташкилотчилик ишлари кўламини кенгайтириш ва фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

**ЁЛҚИН**

*Спорт - соғлом авлод хизматида*

# РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРЛАРИ

***Спорт маънавий етуклик, жисмоний баркамоллик гаровидир. Спортга ошно бўлган ёшлар қалбида дўстлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиром, мардлик, тантилик сингари олижаноб фазилатлар камол топади. Бинобарин, жисмоний тарбия ва спорт орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш баробарида Ватан, юрт келажаги учун ҳам мустаҳкам пойдевор қўйилади.***

Қашқадарё воҳасининг етакчи олийгоҳларидан бири ҳисобланган Қарши Давлат университетида талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашларига катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий жиҳозланган кўркам спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрида. Бундан ташқари, соғломлаштириш маркази ишлаб турибди.



«Талаба» спорт клубининг жонкуяр мураббийлари катта жонбозлик кўрсатишмоқда. Кураш марказида эса дзюдо ва миллий кураш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Бу ерда юз нафардан ортиқ полвонлар Абдусаид Умаров, Элмурод Соатов, Мусурмон Раҳимов каби тажрибали мураббийлардан кураш сирларини ўрганишяпти.

- Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга биринчи галдаги вазифалардан бири сифатида қараяпмиз. Шунинг учун ҳам талабаларимизнинг у ёки бу спорт турига қизиқиши тобора ортиб бормоқда, - дейди университет маънавий-ахлоқий ишлар бўйича проректори И.Худойбердиев. - Қувонарлиси, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётир. Спортчи талабаларимиз орасидан турли мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари етишиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, университетнинг иқтидорли спортчи талабалари республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишяпти. Масалан, Урганч шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида етти нафар талаба қатнашиб, шундан Баҳодир Чориев, Эльбрус Соатов ва Бекзод Примов каби курашчилар шоҳсупага кўтарилдилар. Шунингдек, биология-тупроқшунослик факултети талабалари Барно Тўқлиева, Обида Алладўстовалар ҳам пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтказилган нуфузли мусобақанинг бронза медаллари билан тақдирланишди.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**О.КАМОЛИДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**



# ЭНГ ЯХШИ ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

«Алоқа ва ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик ихтироси» деган мавзуда ташкил этилган республика танлови талайгина изланувчан техника ижодкорлари учун жиддий синов бўлди. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган бу билим ва маҳорат имтиҳонида «ЎзИ-Жиззах» филиали муҳандиси Жўра Муродов ва бўлим бошлиғи Қодир Қурбоновлар абонент телефон рақамларини техник созлашга оид ихтироси учун биринчи совринли ўринни қўлга киритдилар.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг Ахборот ҳисоблаш» маркази Тошкент телефон-телеграф станцияси филиалининг рақамли узатиш тармоғи мутахассислари тақдим этган рационализаторлик телефонлари ҳам яхши баҳоланиб, танлов ғолиби деб топилди.

# ЯНГИ КУРС

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети таълимий дастурига «Журналистика фавқулодда вазиятларда» деб номланган махсус курс киритилди. Ушбу янги курс машғулотларида талабалар фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳарбий низолар масалаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тажрибалари билан таништирилади.

Халқаро Қизил Ярим Ой жамиятининг Марказий Осиёда минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда уюштириладиган ўқув машғулотларида бўлажак журналистларга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари бўйича ҳам билимлар берилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро Қизил Ярим ой жамиятининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан мактаб, лицей, коллежларда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида ўқувчиларга билим бериш юзасидан шартнома тузди.

**А.АЛИЕВ**

# САВОБ ИШГА БОШ БЎЛИБ

Бугунги кунда «Тошшаҳарйўловчитранс» ҳиссадорлик компаниясининг тармоқ корхоналарида кўплаб транспортчилар фаол меҳнат қилишмоқда. Бундан ташқари, шу соҳада фидойилик қилиб, қарилик гаштини сураётган нуронийлар ҳам талайгина. Уларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида кўрилаётган талаблар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда касаба уюшма кенгашлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Компания касаба уюшмаси шу вақтгача автомобил транспорти ва йўл хўжалиги Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ихтиёрида эди. Транспортчиларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш мақсадида ушбу кенгаш таркибида «Тошшаҳарйўловчитранс» компаниясининг бирлашган касаба уюшмаси ташкил топди.

Янги уюшма ўзининг кенг қамровли режасини тузди. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳам белгиланди.

**П. ЖАББОРОВА**

# ЭЛДАН ОЛИБ, ЭЛГА БЕРАМАН

## ёхуд ирсоли масал санъати хусусида

Ирсоли масал Шарқ мумтоз шеъриятида энг кўп қўлланилган санъатлардан ҳисобланади. Бу санъатдан замонавий шоирларимиз ҳам маҳорат билан фойдаланиб келмоқдалар.

Шоирлар у ёки бу фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун кўпинча ўз шеърларида халқ мақол ва маталларига, машҳур ҳикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қиладилар. Бу илми бадеъда ирсол санъати, деб юритилади. Мисол учун Абдулла Орипов «Гадонинг душмани гадо бўлади» деган мақолдан ўз бадиий мақсади йўлида фойдаланиб, ҳар бир кишининг душмани ўз тоифасидан бўлиши, ҳаётнинг асосида тоифалар кураши ётиши, бу зиддият мавжудлиги ва абадгача давом этиши, дунё тугаса ҳам мазкур қарама-қаршилик тўхтамаслиги хусусидаги чуқур фалсафий фикрни ифодалайди:

***Тингла, бу абадий садо бўлади:***
***Гадонинг душмани гадо бўлади.***
***Иккови бир-бирин егунича то***
***Ўртада бу дунё адо бўлади.***

Мумтоз адабиётшуносларимиздан Атоуллоҳ Ҳусайний ёзади:

«Ирсол луғатга юбормоқтур. Бир жамоа орасида машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилған достон ва ҳикоятларни масал дерлар.

Аксар байтта масал келтириш, ани маҳбуб ёки мамдуҳ ёки ўзга кишига юбормоқ учун бўлур, анинг учун бу санъатни анинг тарзи эътибори била ирсол ул-масал деб атаптурлар. Ирсолдан мурод ирод (келтириш, тилга олиш) бўлиши ҳам мумкин ул маънодаким, ирод ирсол учун лозимдур ва бу ҳолда лозимни назарда тутиб, малзумни зикр қилғай бўлсалар керак (лозим –керак қилувчи, малзум – керак бўлувчи). Бу фусаҳо каломинда машҳурдур ва бу важҳни тасдиқлағучи бир нима улдурким, бу санъатни ирод ул-масал ҳам дерлар».

Бу санъат Шарқ мумтоз шоирлари ижодида кенг қўлланилган. Абулқосим Фирдавсий, Хоқоний Ширвоний, Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб ва бошқа шоирлар ижодида ирсоли масалнинг гўзал ва етук намуналарини кўрамиз.

Ирсоли масал замонавий шоирларимиз ижодида ҳам кўп учрайди. Айниқса, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодида ирсоли масал санъатининг ёрқин кўринишлари мавжуд.

Ирсоли масал хусусан сабки ҳиндий – ҳинд услуби намояндалари ижодида кўп учрайди. Бу услубга, маълумки, Амир Хусрав Деҳлавий асос солган. Кейинчалик Соиб, Бедил каби шоирлар ижодида у ўзининг авж нуқтасига етган. Ҳинд услуби намояндалари кўпинча байтнинг иккинчи мисрасини ҳикмат ва масал тарзида келтирадилар. Бу аввалги мисрада айтилган фикрни қувватлаш ва тасдиқлаш учун хизмат қилади. Бу услуб намояндалари ижодидаги аксар мураккаб ташбеҳлар билан ирсоли масал ўртасида яқин алоқа мавжуд. Фикримизнинг исботи учун Мирзо Бедил ижодидан бир мисол келтирайлик:

***Дар тариқи нафъи худ кас нест муҳтожи далел,***
***Беасо роҳи даҳон маълум бошад кўрро.***

Мазмуни: ўз фойдасига қолганда, ҳеч ким маслаҳатга муҳтож эмас. Зеро, кўр киши оғзининг йўлини ҳассасиз ҳам топади.

Ирсоли масал санъатини қўллаш асосан уч йўл билан содир бўлади. Биринчиси – машҳур мақол ёки ҳикматли сўзга ишора қилиш. Бунда кўпинча «дейдиларким», «дерлар», «масалдурким», «масала борким» каби сўз ва ибралардан фойдаланилади. Масалан, Фурқат ёзади:

***«Хўбларға зўру ё зар», – эл ичра бу масал бор,***
***Мен хастанинг, фиғонким, илгимда зўру зар йўқ.***

Шеърда ирсоли масал санъатидан фойдаланишнинг иккинчи усули – ҳеч қандай имо-ишорасиз мақол ёки ҳикматли сўзнинг ўзини келтириш.

Масалан:

***Умрини ошиқ ҳамиша ўтказур орзу билан,***
***Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан.***

(Эркин Воҳидов)

Учинчиси – вазн ва қофия талаби билан мақолларни бир оз ўзгартириб қўллаш. Чунончи, Навоий ёзади:

***Хўблар тиғи етишмастин бурун бу зор ўлар,***
***Чин эмишким: «Бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар».***

Бу ерда: «Қассоб кўп бўлса, мол ҳаром ўлади», деган мақол шеърият қоидаларига кўра ўзгаришга учраган; вазн талаби билан «бўлса» феълининг ўрни алмашган; қофия талаби билан «ҳаром» сўзи ўрнига «мурдор» сўзи қўлланилган.

Баъзида шоирлар ўз шеърларини бошдан-оёқ ирсоли масал санъати асосига қурадилар. Масалан, Хусрав Деҳлавийнинг бир қасидаси бутунисича ирсоли масал санъатидан фойдаланиб ёзилган. Атойи, Лутфий каби шоирлар ижодида ҳам бошдан-оёқ ирсоли масал санъати асосига қурилган ғазаллар мавжуд. Мисол тариқасида Лутфийнинг машҳур бир ғазалини келтирайлик:

***Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису,***
***Масалдурким: «Чироқ туби қоронғу».***

***Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,***
***Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар су(в)».***

***Юзунгни туттум ортуқ ою кундин:***
***«Кишининг кўзидур, оре, тарозу».***

***Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур,***
***Ки: «Қўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду».***

***Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,***
***Ки айтурлар: «Тилаганни тилогу».***

Шоирлар ўз асарларида халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзларидан фойдаланиш билан кифояланиб қолмай, эл ичида машҳур ташбеҳлар, образли ифодалардан ҳам кенг истифода этадилар. Чунончи, мана бу байтида Навоий маъшуқанинг ошиқларини ўз қўйида саргардон этса-да, уларнинг биротасига висол майдан ичирмаслигини «сувга элтиб, суғормай келтирмоқ» образли ифодаси орқали гўзал бир тарзда тасвирлайди:

***Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен,***
***Юз Скандарни суға элтиб, сусиз келтургасен.***

Кўпинча бирор яқини ёши улуғ ёки раҳбар киши билан сафарга жўнатар экан, одамлар: «Уни сенга, сени Худога топширдим», – дейдилар. Халқ ичида машҳур ана шу ибoрадан Навоий муҳаббат домига гирифтор бўлгани – кўнглини маъшуқасига бой берганини ифодалаш учун фойдаланади. Мен бу ерда қайғу-ғамда қолдим, жону кўнглим сен билан кетади. Шундай экан, жону кўнглимни сенга, сени эса Худога топширдим:

***Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум:***
***Санга жон бирла кўнглумни, сени Тенгрига топшурдум.***

Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеъри ҳам ана шундай халқона ташбеҳлар, образли ифодалардан ташкил топган:

***Магар келганда ҳам қиёмат қойим***
***Ёр бўлсин йигитга нияти доим.***
***Табаррук кексанинг гапин эшитдим:***
***Бошинг тошдан бўлсин, дерди, илойим.***
***Диловар дардида тортдим узанги,***
***Мен ким деб адою, кимдир адойим...***

Баъзан шоирлар кетма-кет икки мақол келтирадилар. Бу – ирсол ул-масалайн деб аталади. Машрабнинг қуйидаги байти айни жиҳатдан диққатга сазовор:

***Тикансиз – гул, садафсиз – дур, машаққатсиз – ҳунар бўлмас,***
***Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.***

Бу байтнинг ҳар мисрасида биттадан алоҳида мақол келтирилган.

Атойининг мана бу байтида ҳам икки мақол ёнма-ён келтирилган:

***Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил, сол суға,***
***Охир, эй гул, хирманин, албатта, ҳар эккан ўрор.***

Ирсол ул-масалайн бир мунча мураккаб санъат бўлиб, у нисбатан кам учрайди.

Баъзида шоирлар у ёки бу мақолни ўзларининг бадиий мақсадлари учун асос қилиб олиб, унга ўз муносабатларини билдирадилар, уни янгича талқин этадилар. Бу усул, айниқса, Абдулла Орипов ижодида кўп учрайди. Масалан:

***Дейдилар: ит ҳурар, ўтади карвон,***
***Ранжу балолардан ёнмасин жонинг.***
***Лекин алам қилар – бир умр гирён***
***Итлар орасидан ўтса карвонинг.***

Маълумки, ёмон– яхшини, номард – мардни, бедард – дардмандни, истеъдодсиз – истеъдодлини... ғийбат қилади, фисқу фасод тарқатади, туҳмат уюштиради, қисқаси, ўз ҳолига қўймайди. Бу – тирикликнинг азалий ва абадий қонунияти бўлиб, мазкур мақол бундай икир-чикирларга эътибор бермаслик, танлаган йўлидан қайтмасликка даъват этади. Шоир эса бу ҳақиқатни ҳазм қилолмай, унга қарши исён кўтаради: мазкур ҳикмат ҳар қанча тўғри бўлмасин, барибир, ҳаёт карвонининг бир умр итлар орасидан ўтавериши кишига алам қилади! Ҳар турли гап-сўзларга қулоқни кар қилиш, фитна-фасодларни кўриб кўрмасликка олиш, таъна-маломатларга сабр этишнинг ҳам муайян чегараси бор-да! Шоирнинг ўзи бошқа бир шеърида таъкидлаганидек:

***Йўқ-йўқ, йиллар эмас умрга эгов,***
***Уни емиради беомон ҳислар...***

Маълум бўладики, ирсоли масал санъати шоирга фикрини шаклан ихчам ва қисқа, айни пайтда, мазмунан кенг ва теран; услубан аниқ ва лўнда, шунинг баробарида, бадиий жиҳатдан гўзал ва етук ифодалашга имкон яратибгина қолмай, шеърларнинг таъсир қувватини ошириш, уларнинг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман кенгаши 72-мактаб директори Ғафур Норовга волидаи муҳтарамаси

**ШОЧУЧУК аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 14198 Буюртма Г— 516

23456